

Yuridik shaxsn ni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEksi" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEksi" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 797 009

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

03.09.1994

006528-08

Sana

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, CHILONZOR TUMANI, BUNYODKOR SHOH KO'CHASI, 156A-UY

To'monidan berilgan:

CHILONZOR TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

443144



Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

O'zgartirishdan oldin

Sohi toloqchining identifikasiya raqami (SIR):
200 797 009

Nomi:
CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEksi

Tashrifiy nusxasi yaratilish tarixi:
20.07.2009
Aksiyadorlik jamiyati:

Jadidlashuvchi (mavzusi):
Toshkent shahri, Chilonzor tumani, BUNYODKOR shahri,
KOCHASI 156A-UY

O'zgartirishdan keyin

Sohi toloqchining identifikasiya raqami (SIR):
200 797 009

Nomi:
CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEksi

Tashrifiy nusxasi yaratilish tarixi:
20.07.2009
Aksiyadorlik jamiyati:

Jadidlashuvchi (mavzusi):
Tashkent shahri, Chilonzor tumani, BUNYODKOR shahri,
KOCHASI 156A-UY

Ma'lumotlarni o'zgartirish haqida ma'lumotnoma

Oldingi ta'sischilar

Tarix: 01.01.2023
CHILONZOR BUYUM SAVDO KOMPLEksi
Sohi toloqchining identifikasiya raqami (SIR):
20.07.2009

Miqdori: 43 939 583 595.
Ushbu:
83 m²
100.00%

43 939 583 595 so'm



«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Chilonzor buyum savdo kompleksi” АЖ
акциядорларининг 2022 йил
14 сентябрдаги навбатдан ташқари
умумий йигыныш карори билан



**“CHILONZOR BUYUM SAVDO
KOMPLEKSI”
aksiyadorlik jamiyatining
УСТАВИ
(яниги таҳрирда)**

Тошкент ш.

1. Умумий қондалар

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўгрисида»ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа Қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. «Chilonzor buyum savdo kompleksi» aksiyadorlik jamiyati (бундан бўён "Жамият" деб номланади) хўжалик юритиш хукуқига асосланган жамият сифатида тижорат, хўжалик ва бошқа ҳар кандай Қонунда тақиқланмаган фаолиятларни амалга ошириш учун ташкил топган мустакил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, "Chilonzor buyum bozori" ochiq aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2010 йил 17 декабрдаги навбатдан ташкири умумий йигилиши карорига асосан, «Chilonzor buyum bozori» ochiq aksiyadorlik jamiyati дан «Chilonzor buyum savdo kompleksi» ochiq aksiyadorlik jamiyati сифатида ташкил этилган мустакил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, "Chilonzor buyum bozori" ОАЖнинг хукукий вориси хисобланади ва унга барча хукуқ ва мажбуриятлар ўтади.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўгрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРК-370-сон) ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- лотин алифбосида: "Chilonzor buyum saydo kompleksi" aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида: "Чилонзор буюм савдо комплекси" акциядорлик жамияти,

Инглиз тилида:

Joint stock company "Chilonzor buyum savdo kompleksi"

Рус тилида:

- акционерное общество "Chilonzor buyum savdo kompleksi";

1.5. Жамиятнинг қискартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл алифбосида: "Chilonzor buyum savdo kompleksi" АЖ;
- лотин алифбосида: "Chilonzor buyum savdo kompleksi" AJ;
- **рус тилида:** АО "Chilonzor buyum savdo kompleksi";
- **инглиз тилида:** JSC "Chilonzor buyum savdo kompleksi".

1.6. Жамиятнинг жойлашган ери (пошта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156 «А» уй, Индекс: 100161

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: chilonzorbuyum@mail.ru

1.8. Жамиятнинг расмий веб.сайти: www.chbsk.uz

2. ЖАМИЯТНИНГ ХУКУКИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият юридик шахс хисобланади ва ўзининг мустакил балансида хисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогор ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс хукукларига эга бўлади.

2.3. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида банкдан хисоб вараклари очишга хаклидир.

2.4. Жамият ўзининг firma номи давлат тилида тўлик ёзилган хамда жойлашган манзили кўрсатилган юмолак муҳрига эга бўлади.

2.5. Жамият ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига, хамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишига хаклидир.

2.6. Жамият конун хужжатларида тақиқланмаган фаолиятининг хар кандай турларини амалга ошириш чоғида хукукларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ.

3.1. Акциядорлик жамияти хўжалик фаолиятини хўжалик хисоби ва ўзини ўзи маблағ билан тъминлаш принципларидан фойдаланиш, жамият акциодорлари ва меҳнат жамоасининг моддий хамда ижтимоий эҳтиёжларни кондириш максадида амалга оширади.

3.2. Кўзланган максадга мувофиқ куйидагиларни амалга оширади:

•Кийим-кечак маҳсулотлари, ҳалқ истеъмол буюмлари, ишлаб-чиқариш техникавий маҳсулотлари, кундалик зарур бўлган уй-рўзгор буюмлари ва бошқа моллар билан чакана ва улгуржи савдони ташкил этиш;

•фойдаланилган буюмлар савдосини ташкил этиш;

•юридик ва жисмоний шу жумладан хорижий шахслар учун транспорт, фрахт, экспедиция, омборлардан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш;

•компакт дисклар, видео ва аудио маҳсулотлари ижарасини ташкил этиш;

•божхона омборхоналари ва мол-мулкларни декларация килиш хизматини ташкил этиш;

•ёрдамчи ва хунармандчилик корхоналари маҳсулотлари савдосини ташкил килиш учун керакли шароитларни яратиш;

•Жисмоний ва юридик шахсларга ўз тасарруфидаги биноларни ижарага бериш;

•Хўжаликлар ва аҳолининг маҳсулотларини сотиш учун жалб килиш максадида реклама ва боника тадбирларни ташкил килиш;

•Озиқ - овқат ва товарларни ишлаб чиқариш максадида керакли бозор хизмати инфраструктурасини яратиш:

•Четдан товарларни жалб килиш, шахсий товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш аҳолига, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатиш;

•Ўзбекистон Республикаси конунларига биноан ташки иқтисодий фаолият кўрсатиш;

•Тижорат, дорихона, савдо-харид корхоналари, умумий овқатланиш шаҳобчалари очиш;

•Жамият таркибидаги савдо харид корхонаси орқали жисмоний шахслар, дехкон фермер ва жамоа хўжаликларидан кишилек хўжалиги, озиқ - овқат маҳсулотларини ва уларни кайта ишландан олинадиган маҳсулотларни харид килиш ва ушибу маҳсулотларни корхона, муассаса ва ташкилотларга улгуржи савдоси орқали сотиш хамда жамият ихтиёридаги дўконлар орқали чакана сотиш;

•Савдо - харид фаолияти, улгуржи ва чакана савдо;

- Умумий овқатланиши соҳасида хизмат турларини кулайтириш, ресторон, кафе, барлар очиши, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотини;
 - Жисмоний шахс ёки хуқукий шахс хукикими берувчи, шу жумладан тижорат корхоналарини, марказларини ташкил килиш;
 - Пуллик авто турар жойларини, майший хизмат кўрсатиш шахобчаларини, кирхоналар, сартарошхоналар, косметолог корхоналари ва салонлар, бошка майший хизмат шахобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиши, ахоли ва корхоналар учун майший хизмат кўрсатини;
 - Ҳар-хил кандолат моллари, салқин ичимликлари, музқаймок ишлаб чиқариш ва сотини;
 - ун тайёрлаш ва саклаш, кайта ишлаш, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотини;
 - тижорат, савдо-сотик ва савдо-воситачилик фаолияти;
 - томушалар, шоу уйинлари, лотериялар, ижодий мусобакалар, кечалар, учрашувлар, тантаналар, спорт тортишувлари ва беллашувлари, бошка маданий-оқартув, спорт согломлаштириши ва томоша тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш шунингдек, бундай тадбирларда қатнашиши;
 - бинолар ва уйларни куриш эгаллаши, ташкил этиши, лизинг шартлари бўйича ёки бошка асосларда ижарага бериш, шунингдек улардан фойдаланиши, дўконлар, универсамлар, супермаркетлар, савдо-уйлари, ярмаркалар, киосклар, лотоклар, савдо жойлари ва бошка савдо объектларини ташкил этиши;
 - кимматли когозлар чиқариш, сотини, сотиб олиш ва сақлаш, улар билан бошка операциялар ўтказини;
 - лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш ва ишлаб чиқиш, лойихалаш-изланиши, курилиш, курилиш-монтаж, юргизиш-тузатини, таъмирлаш ва пардозлаш бўйича ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, уй-жой фонди, саноат, хизмат учун ижтимоий ва маданий-маиший бинолар, иншоотлар ва объектларнинг қайта қурилишини амалга ошириш;
 - Риэлектерлик фаолияти, кўчмас мулк объектларини эгаллаш, фойдаланиши, ижарага бериш ва сотини, кўчмас мулк билан бошка операцияларини амалга ошириш;
 - Стационар ва кўчма авто ёкилги куйиш шахобчаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиши, мамлакатда ишлаб чиқарилган ва чет эл маркали автомобиллар, ҳар-хил транспорт воситалари ва бошка техникага хизмат кўрсатиш ва тузатиш корхоналарининг тармогини тузиш ва улардан фойдаланиши;
 - Бозор конъюктурасини ўрганиши, сотиладиган товарларга баҳо ва баҳоларни ташкил килишини ўрганиши, ички ва ташки хамкорлор билан алокаларни тиклаш тадбирларни ўтказини;
- 3.3.** Жамият рухсатнома зарур бўлган фаолият билан шугулланиши хуқуқига, бундай рухсатнома олгандан сўнг ёки рухсатномада кўрсатилган давр ичидан ушбу фаолият билан шурулланиши мумкин.
- 3.4.** Жамият кўрсатилган фаолиятни бажариш максадида аукционларда, биржа ва бошка савдода, ярмаркаларда, фонд ва товар бозорларида тижорат тадбирларида катнашиши мумкин, у шартномалар, битимлар ва битишувлар тузади, турли юридик актлар ва битимлар, шу жумладан кредит-хисоб, касса муаммоларини амалга оширади
- 3.5.** Жамиятнинг фаолияти муддати чекламаган.

4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият қуидаги ҳукукларига эгадир:

белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта хисоб ракамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчиллик асосида ҳар кандай тўлов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлиш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблагларини айрибошлиш;

ўзининг ишлаб - чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустакил режалаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустакил равишда ўз қарамогидан (балансидан) мол - мулк, карз, камомад, бошка зиёнларини чиқариш;

Жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш - техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом - ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

хомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш;

қонунчиликка мувофик, ўз ходимлари учун кўшимча иш таътиллари, кискартирилган иш куни, иш тартиби ва бошка ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш;

4.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

4.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор килганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4. Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамият директори томонидан белгиланади.

5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ.

5.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

5.2. Жамиятнинг Устав фонди 43 939 583 595 (кирк уч миллиард тўқкиз юз ўттиз тўқкиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) сўмни ташкил килади ҳамда номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 43 939 583 595 (кирк уч миллиард тўқкиз юз ўттиз тўқкиз миллион беш юз саксон уч минг беш юз тўқсон беш) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинган, улардан 100% акциялар жойлаштирилган.

а) Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

5.3. Жамиятнинг устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартаришлар киритиш ҳакидаги карорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан кабул килинади.

5.5. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.6. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамият чиқаришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялар микдорини белгилайди.

5.7. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.8. Жойлаштирилган акцияларга кўшимча тартибда жамият умумий қиймати 85 353 472 135 (саксон беш миллиард уч юз эллик уч миллион тўрт юз етмиш икки

минг бир юз ўттиз беш) сўмлик, номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 85 353 472 135 (саксон беш миллиард уч юз эллик уч миллион тўрт юз етмиш икки минг бир юз ўттиз беш) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларни чикаришга ҳакли.

б) Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

5.9. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини кискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини кейинчалик бекор килган холда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.10. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш хақидаги карорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинади.

5.11. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида карор қабул килинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган кисмидир.

6.2. Жамият акцияларнинг хар бир тури бўйича эълон килинган дивидендернинг тўлаши шарт.

6.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг кимматли когозлари билан тўланиши мумкин.

6.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўқиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендернинг тўлаш тўғрисида карор қабул килишга ҳакли.

6.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўқиз ойи натижаларига кўра дивидендернинг тўлаш тўғрисидаги карори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул килиниши мумкин.

6.6. Акцияларнинг хар бир тури бўйича дивидендернинг тўлаш, дивидендинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги карор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган такдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинади. Дивидендернинг микдори жамият кузатув кенгашин томонидан тавсия этилган микдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендернинг тўлаш тўғрисидаги карорда дивидендернинг тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

6.7. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича хисобланган дивидендернинг тўлаш акциядорларнинг дивидендернинг олишга бўлган тенг хукукларига риоя этилган холда амалга оширилади.

6.8. Дивидендернинг тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендернинг тўлаш муддати шундай карор қабул килинган кундан эътиборан олтминнундай кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.9. Жамият тузилган шартномага мувофик Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари оркали дивидендернинг тўловини амалга ошириш хукукига эга;

6.10. Эгаси ёки эгасининг конуний хукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб килиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши карорига кўра жамият ихтиёрида колади.

6.11. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга хисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валутага айирбошлаб, маблагларни норезидент акциядор тақдим этган банк хисобварагига ўтказиб бериши шарт.

6.12. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма хамда жамият бухгалтериясининг хисобланган дивидендлар суммаси ва улар хисобланган сана тўғрисидаги маълумотномаси айирбошлаш учун асос бўлиб хизмат килади.

6.13. Жамият дивидендларнинг микдорини улардан ундириладиган соликларни инобатта олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар микдори тўғрисидаги маълумотларни кимматли қозулар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

7. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

7.1. Жамият соф фойда хисобидан захира фондини хамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошка фондларни акциядорларнинг умумий йигилишида ташкил этади.

7.2. Жамиятнинг захира фонди, бошка маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини коплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаши ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошка максадларда фойдаланиши мумкин эмас.

7.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда жамият захира фонди тузилади.

7.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.3-бандида белгиланган микдорга етпунига кадар ҳар йили соф фойдадан 5% микдорида ажратмалар ўтказилади.

7.5. Захира фонди тўлалигича ёки кисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

8. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

8.1. Жамият бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгаси ва Ижроия орган (Директор).

9. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ.

9.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

9.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий хисбот йигилиши молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгасини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг якабошлиқ асосидаги ижроия органи (бундан бўён матнда "Директор" деб юритилади) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор килиш мумкинилиги хакидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу уставнинг 9.5 бандига мувофиқ жамиятнинг йиллик хисботини, жамият ижроия органи ва кузатув кенгасининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш

бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, жамиятнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш ва бошка хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш чогида умумий йигилишда, кун тартибидаги масалаларни мухокама килиш ва овозга кўйилган масалалар бўйича карорлар кабул килишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йигилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади;

9.3. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган ҳолатда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди.

9.4. Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича карорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда кабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлантирилади. Бунда, жамият акциядорларининг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш, уни чакириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи коидалари кўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказиш муддатларига тааллукли коидалар бундан мустасно.

9.5. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон килинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав капиталини кўпайтириши;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроя органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик хисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва максадидан келиб чиқкан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тасдиқлаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида карор кабул килиш;

- қимматли қозозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида карор кабул килиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини кайтариб сотиб олиш тўғрисида карор кабул килиш;

- имтиёзли хукукни кўлламаслик тўгрисида карорни кабул килиш;
- акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган кимматли коғозлар савдолари га чиқариш) нархини белгилаш;
- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори микдорларини белгилаш;
- аудиторлик текшируванин ўтказиш тўгрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳакнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳақида карор кабул килиш;

- конунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўгрисида карор кабул килиш. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим тузиш тўгрисидаги карорлар мол-мулкнинг конунчиликка мувофик баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати хисобга олинган, мустакил ташкил аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган холда мажбурий тартибда кабул килинади

- конунчиликка мувофик бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошкаришга доир конунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг хисботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиши, йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўгрисидаги масала кузатув кенгашининг карорига кўра акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун олиб чикилгандаги масала ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўгрисида карор кабул килинаётган санада жамият соф активлари микдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўгрисидаги масалалар бўйича карор, аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги карор, акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч кисемидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан кабул килинади. Бошқа масалалар бўйича карорлар оддий кўпчилик овоз билан кабул килинади.

Соликка оид ёки давлат олдидаги бошқа карздорлик хисобига жамият устав фондидаги давлат улушини щакллантириш ёки ошириш тўгрисидаги карор жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки кисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташкари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан кабул килинади.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас.

9.6. Жамият акциядорлари умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгashi ҳал килиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш билан боғлик ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш;

- Акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган кимматли когоzlар савдоларига чикариш) нархини белгилаш;
- кимматли когоzlарнинг хосилаларини чикариш тўғрисида карор қабул килиш;
- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар микдорларини белгилаш;
- бошқа конунчиликда такиқланмаган умумий йигилиши карорлари билан бериладиган масалалар.

9.7. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул килинган карорлар, шунингдек овоз бериш якуплари ушбу карорлар қабул килинган санадан эътиборан ўтгиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

9.8. Жамият акциядорлар умумий йигилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

10.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг мутлақ ваколатига таалукли масалалар бундан мустасно.

10.2. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг ўрни копланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши карорида белгиланади.

10.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг хисботини мунтазам равишда эшишиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, конунчиликда назарда тутилган холлар мустасно;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойини белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши хақида хабар килиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йигилиши хал килиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор кийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек хар чоракда унинг хисботларини эшишиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор хар кандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши

ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат максадларида фойдаланиши мумкин;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошка фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан амалдаги конунчилик талабларидан келиб чикган холда, битимлар тузиш ҳакида карор қабул килиш. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг киймати жамият соғ активлари кийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим ёки йирик битим тузиш тўгрисидаги карорлар мол-мулкнинг конунчиликка мувофик баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор киймати хисобга олинган, мустакил ташки аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган холда мажбурий тартибда қабул килинади;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироқи билан боғлик битимларни конунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш хамда жамиятнинг эълон килинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- жамият акцияларининг жойлаштириш (ташкил этилган қимматли когозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўгрисида карор қабул килиш;

- қимматли когозларнинг хосилаларини чиқариш тўгрисида карор қабул килиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўгрисида карор қабул килиш;

- жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини химоя қилиш тўгрисида"ги конунини 79-моддасига ва бошка меъёрий ҳужжатларга асосан муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўгрисидаги карор, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

- ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг микдорларини белгилаш;

10.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал килиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўккиз) кишидан иборат бўлади.

10.6. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий ингилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Корпоратив бошқарув кодексида акс этирилган мустакил аъзо мезонларига мувофик бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси- йирик акциядорлар томонидан келишилган холда тавсия этилади ва сайланади.

10.7. Жамиятнинг Кузатув кенгапи аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиси лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлик беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида таксимлашга хаклидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб хисобланади.

10.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда кайта сайланиси мумкин.

10.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан кайта сайлашга хаклидир.

10.10. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар, уларни сайлаш тартиби ва фаолият юритиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланган «Кузатув кенгаши тўгрисида»ги Низомда белгилаб кўйилади.

10.11. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик килади, мажлиса байоннома юритилишини ташкил этади.

10.12. Жамият ижроия органи аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиси мумкин эмас.

10.13. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

10.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.15. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисида карор қабул килишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга хаклидир.

10.16. Жамият Кузатув кенгашининг фаолияти самарадорлигини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия ва инвестициялар кўмитаси, Аудит кўмитаси, Тайинловлар ва хак тўлаш кўмитаси, Коррупцияга карши курашиш ва этика кўмитаси ташкил этилади.

10.17. Кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича сайланган аъзолар фаолияти жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, жамиятнинг карзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш ва бошка конунчилик мезонлари асосида баҳоланади.

10.18. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувлари (битим, шартнома, меморандум ва бошкалар) мажбурий тарзда жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузилади;

10.19. Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш хамда хўжалик жамиятлари устав

капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташкари кўшимча фаолият билан шугулланиш жамият кузатув кенгаши карорига асосан амалга оширилади.

10.20. Хар чоракда ижро органининг хисоботини эшлиши бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл кўйилмайди.

10.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида карорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукукларини химоя қилиш» қонунинг (янги таҳрирда) 18-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича карор жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул килинади. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳакли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи хисобланади.

10.22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул килинган қарорлар.

10.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўгри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

10.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиши учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларининг умумий йигилишини чакириш тўгрисида қарор қабул килган тақдирда мазкур қарор ҳакидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

10.25. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири амалга оширади.

10.26. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан хар чоракда камидан бир марта чакирилади. Зарурятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари хам ўтказилиши мумкин.

10.27. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўгрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органи (Директор) жамиятнинг ижро этувчи органи хисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошкаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси конунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофик амалга оширади.

11.3. Жамият Директори акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашига хисобот беради.

11.4. Жамият Директори Кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланади. Директор билан меҳнат шартномасини жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

11.5. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йигилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини тайинлаш, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

11.6. Жамият директорининг хуқук ва мажбуриятлари тегишинча Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги конуни ва бошка конунчилик хужжатларида, ушбу уставда ҳамда унинг жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномасида белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор кабул килинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.7. Жамият ижроия органи сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас;

11.8. Жамият ижроия органи томонидан ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлар ўтган йилда олинган соф фойданинг З фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар жамият бизнес-режасининг ўтган хисобот давридаги соф фойдага тааллукли кисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади.

11.9. Жамият Директорининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг мутлак ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно. Агар директор томонидан мазкур масалалар ўзбошимчалик билан амалга оширилса, Кузатув кенгаши директор билан тузилган меҳнат шартномани бир томонлама бекор килишгача бўлган чораларни кўллашга ҳакли.

11.10. Жамият Директори акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.11. Жамият Директори мазкур устав ва акциядорлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

11.12. Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳак микдори, хизматларига ҳак тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлик бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

11.13. Жамиятнинг директори вазифаларини бошка ташкилотларнинг бошкарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл кўйилади.

11.14. Жамият кузатув кенгаши жамият директори билан тузилган шартнома шартларини бузган такдирда у билан тузилган шартномани тугатишга (бекор килишга), ҳакли.

11.15. Жамият Директорининг ваколатларига куйидагилар киради:

- мазкур устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофик Жамиятнинг ишига раҳбарлик килади;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини химоя килади;
- Жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;
- штатларни тасдиклайди, жамият ходимларини ишга қабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, бекор килади ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлайди;
- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйрук ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиклайди;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик килади;
- акциядорлар умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгаши карорларининг бажарилишини ташкил этади;
- амалдаги қонунчиликка мувофик Жамиятда бўхгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошка молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вактида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошка олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- амалдаги қонунчиликка ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя килади.

11.16. Жамият Дириектори ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

11.17. Жамият Дириектори қонунчиликка ва ушбу уставга мувофик жамият олдида жавобгардир.

12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонунчилик ва ушбу уставга асосан ҳал килинади.

12.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал килиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равиша суд оркали ҳал килинади.

12.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вактдан бошлаб кучга киради.

“Chilonzor buyum savdo kompleksi”
aksiyadorlik jamiyati direktori

T. Азимов

CHILONZOR
BUYUM SAVDO
KOMPLEksi

KEPUBLIKABI TOSHKENT SHAHAR AKSIYADORLIK JAMIYATI * O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI